

TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24

Haqiqat online

haqiqatonline_

Бугун инсоният олдида турган глобал муаммолар қаторида озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи алоҳида ўрин тутати. Табиат инжиқликлари, иқлим ўзгариши, халқаро бозорлардаги беқарорлик ва одамзоднинг айрим ҳоллардаги лоқайд муносабати – буларнинг барчаси ер юзининг турли минтақаларида очлик ва камбағалликни чуқурлаштираётганда.

Озиқ-овқат хавфсизлиги:
глобал таҳдидларга
амалий ечимлар

▼ Бугуннинг мавзуси

БМТ маълумотларига кўра, бугунги кунда жаҳон аҳолисининг 673 миллионга яқини етарли даражада овқатланиш имкониятидан маҳрум. Илмий доиралардаги таҳлилларга кўра, агар дунё давлатлари томонидан кескин чоралар кўрилмаса, 2050 йилга бориб бу рақам 2 миллиард кишига етиши мумкин. Бу эса инсониятнинг катта қисmini қамраб оладиган ижтимоий-иқтисодий инқирозлар учун замин яратди.

2



AGROSANOAT KO'RGAZMALARI

АГРАР СОҲАДА
ЯНГИ ДАВР

Хабарингиз бор, пойтахтимизда аграр соҳадаги инновацион янгиликлар, илғор тажрибалар ва халқаро ҳамкорлик имкониятларини ўзида мужассам этган энг йирик тадбир – “AgroExpo Uzbekistan-2025” халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. “Ўзэкспомарказ” миллий кўргазмалар мажмуаси бир неча кун давомида дунё агросаноатининг энг замонавий технологиялари, рақамли ечимлари ва юқори самарали техникаларининг намоиш майдонига айланди.

▼ Халқаро кўргазма



Кўргазмада рақамлаштирилган агротехнологиялар, сунъий интеллект асосидаги мониторинг тизимлари, те-жамкор суғориш ускуналари, шунингдек, дронлар ва автоном қишлоқ хўжалиги техникалари кенг намоиш этилди. Тадбирда 20 дан ортиқ хорижий давлатдан келган компаниялар ўз маҳсулотлари ва қўшма лойиҳалари бўйича ҳамкорлик таклифлари билан

иштирок этишди. Тантанали очилиш маросимида Қишлоқ хўжалиги вазири маслаҳатчиси Нуриддин Қўшназаров сўзга чиқиб, кўргазманинг мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, янги технологияларни жорий этиш ва халқаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришдаги аҳамияти ҳақида гапирди.

2

ПОЛЬШАДА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
САВДО УЙИ ОЧИЛДИ

Варшава шаҳрида Тошкент вилояти Савдо уйи фаолият бошлади. Савдо уйининг очилиши Тошкент вилоятида ишлаб чиқарилган рақобатбардош маҳсулотларни Европа бозорларига тизимли равишда олиб чиқиш, поляк ишбилармон доиралари билан тўғридан-тўғри мулоқотни кенгайтириш ҳамда янги шериклик муносабатларини йўлга қўйиш учун қулай шарт-шароит яратди.

▼ Ҳамкорлик

Таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда Тошкент вилоятида таъкидланган маҳсулотларни ривожлантириш борасида изчил ва мақсадли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, вилоят ҳокими Зойир Мирзаев раҳбарлигида таъкидланган маҳсулотларни ривожлантириш борасида изчил ва мақсадли ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳокимнинг қатор хорижий мамлакатларга амалий таърифлари, етакчи компания ва бизнес-иттифоқлар билан ўтказиладиган учрашувлари, шунингдек, икки томонлама ҳамкорлик бўйича эришилаётган



келишувлар вилоятнинг халқаро иқтисодий нуфузини янада оширмоқда.

Варшава шаҳрида Савдо уйининг ишга туширилиши мазкур йўналишдаги ишларнинг мантиқий давоми бўлиб, у келгусида вилоятимиз ишбилармонларини Европа Иттифоқи бозорларидаги иштирокини кенгайтириш, савдо-саноат субъектлари ўртасидаги ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш ва янги қўшма

лоийҳаларни амалга ошириш учун муҳим платформа вазифасини бажаради.

Мазкур қадам Ўзбекистон ва Польша ўртасидаги иқтисодий муносабатларни янада фаоллаштириш, маҳсулот айирбошлаш ҳажминини ошириш ва ишбилармон доиралар учун янги имкониятлар эшигини очиши билан аҳамият-лидир.

Тошкент вилояти ҳокимлиги
Ахборот хизмати

ХАЛҚАРО ЯРМАРКАДА
ВИЛОЯТИМИЗ
САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ
НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА

3

ИЛМ ВА
АМАЛИЁТ
ЎЙҒУНЛИГИ

Президентимиз бошчилигида ўтказилаётган йиғилишларда аҳолининг ўз ҳудудида даромад топиш имкониятларини кенгайтириш, хусусан, қишлоқ хўжалиги салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилмоқда.

▼ Президент топшириғи – амалда

Хабарингиз бор, жорий йил 19 ноябрда камбағалликни қисқартириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар сарҳисоби ва келгуси йил учун устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда юртбошимиз келгуси йил учун вазифаларни белгилар экан, айнан қишлоқ хўжалиги ҳисобидан аҳоли даромадларини оширишни тўртинчи йўналиш сифатида келтириб ўтди.

киш ўргатилаётгани, 3 минг нафар эҳтиёжманд аҳоли цитрус мева, анжир, хурмо, гул етиштириш бўйича махсус курсларда ўқитилгани мисол сифатида келтирилди. Йиғилишда агар бу тажриба барча ҳудудларда жорий қилинса, маҳсулот етиштириш ҳам, экспорт ҳам, асосийси, деҳқонларнинг даромади ҳам 4-5 карра кўпайиши таъкидланиб, ҳар бир вилоятда камида 5 тадан шу каби мактаблар-



Таъкидланганидек, камбағалликни қисқартириш мақсадида аҳолига 232 минг гектар ер бўлиб берилгани натижасида 770 минг нафар фуқаро даромад манбаига эга бўлди. Лекин тажриба етишмагани, сифатли уруғ, маҳсулотига бозор топишга қийналгани учун уларнинг учдан бирида даромад кам. Шу сабабдан томоҳқа эгаларига серхосил уруғни танлаш, ишни тўғри ташкил этиш орқали ердан даромадни кескин оширишни ўргатиш мақсадида Термиз туманида Томорқа мактаби ташкил этилгани айтилди. Ушбу мактабда томоҳқа илм билан ёндашиб, бир йилда Сурхондарё шароитида 5 мартагача экин

ни ташкил қилиб, ижарага ер олган одамларни сердаромад экин экишга ўргатиш топширилган эди.

Шу мақсадда Термиз туманида ташкил этилган Инновацион томоҳқа мактаби тажрибаси мамлакат миқёсида катта қизиқиш уйғотмоқда. Ушбу мактаб томоҳқа илм билан ёндашиб, юқори ҳосилдор навларни танлаш ва бир йилда бир нечта экин экиш орқали аҳоли даромадини оширишда амалий намунага айланди. Айни вақтда турли вилоят ва туманлардан келган ишчи гуруҳлар мазкур тажрибани ўрганиб, уни бошқа ҳудудларда ҳам жорий этиш имкониятларини таҳлил қилишмоқда.

(Давоми 2-саҳифада) ►

Обуна – 2026

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ва
«ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА» газеталарига
2026 йил учун ОБУНА БЎЛИНГ!

Йиллик обуна баҳоси
(тўғридан-тўғри тахририят билан шартнома қилинганда):

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» – 896 300 СЎМ;

Нашр кўрсаткичи – 205

«ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА» – 586 200 СЎМ;

Нашр кўрсаткичи – 207

Етказиб бериш хизмати ичиди.

Мурожаат учун телефон: +998 97 432-00-35

Энг ачинарли ҳолат — 5 ёшгача бўлган болалар ўртасидаги ўлимнинг 45 фоизи тўйиб овқатланмаслик билан боғлиқ эканидир. Бу фақат ривожланаётган мамлакатлардаги тизимли муаммолар эмас, балки глобал миқёсдаги хавфни ҳам кўрсатади.

Шу жиҳатдан, ҳар бир давлатда ўз ички бозорида озиқ-овқат барқарорлигини таъминлаш, аграр тармоқ салоҳиятини мустаҳкамлаш ва аҳолига узлуксиз маҳсулот етказиб бериш стратегик вазифага айланмоқда.

Эътиборлиси, кейинги йилларда узокни кўзловчи, чуқур ўйланган сиёсат туфайли юртимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кенг қўлламли ислохотлар амалга оширилди.

2018 йилда қабул қилинган «Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон, шунингдек, 2021 йилдаги мева-сабзавотчилик тармоғини қўллаб-қувватлашга қаратилган қарорлар аграр тармоқда янги даврни бошлаб берди.

Бу ҳужжатлар асосида мамлакатда озиқ-овқат кластерлари ташкил этилиб, ердан унумли фойдаланиш, ҳосилдорликни ошириш ва маҳсулотни қайта ишлаш билан боғлиқ жараёнлар ягона тизимда йўлга қўйилди.

Шулар орасида қишлоқ ҳўжалигида юқори кўрсаткичларга эришиб келаётган «Agrovet» агросаноат кластерининг тажрибаси алоҳида эътиборга молик.

Кластер вилоятимизнинг бир қатор туманларида картошка етиштиришга ихтисослашган замонавий марказлар-

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

ни барпо этди. Чунки озиқ-овқат хавфсизлигида картошка стратегик аҳамиятга эга: бу маҳсулот ҳар бир оила учун кундалик эҳтиёж ва бозор барқарорлигини таъминлашда асосий омиллардан бири ҳисобланади.

нидаги 2 гектар майдонда жойлашган марказда бу йил фермерлар 700 гектар ерда ҳосил етиштиришди. Ҳозирда ҳосил йиғим-терими жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Кластер балансидаги 123 та қишлоқ

Озиқ-овқат хавфсизлиги: глобал таҳдидларга амалий ечимлар



Хусусан, 23,3 миллион долларлик лойиҳалар доирасида Зангиота, Янгийул, Бўстонлиқ ва Ўрта Чирчиқ туманларида замонавий картошкачилик марказлари ишга туширилди.

Улардан бири — Бўстонлиқ туман

ҳўжалиги техникаси, 18 та комбайн, 341 та агрегат ва 10 та юк автомобили иш жараёнларининг механизациялашуви ва самарадорлигини таъминламоқда.

Далаларда ресурс тежовчи ёмиргла-тиб суғориш тизимлари жорий қилинган-

ни эса ҳосилдорлик ва сув тежамкорлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Етиштирилган картошка маҳсул техникалар ёрдамида сараланиб, уруғлик ва истеъмол учун ажратилади, 1,5 тонна сиғимли яшиқларда сақланишга тайёрланади.

Марказдаги 30 минг тонна сиғимли музлаткич мосламалари эса маҳсулотнинг узоқ муддат сифатли сақланишини таъминлаб, бозордаги мавсумий тақчилликларни бартараф этиш имконини беради.

Умуман олганда, кластер томонидан жорий йилда Тошкент вилояти бўйлаб асосий ва такрорий экин сифатида 1 минг 400 гектардан ортиқ майдонда картошка етиштирилди.

Бу жараёнларда 700 дан ортиқ маҳаллий аҳоли меҳнат қилмоқда. Айни вақтда 12 минг тонна картошка захира-си аллақачон омборларда сақланмоқда. 2025-2026 йиллар қиш-баҳор мавсуми учун умумий 15,5 минг тонна захира яратиш режалаштирилган.

Кластер мутахасссларининг таъкидлашича, асосий мақсад — мамлакатда «ноль очлик» индексига эришиш, аҳолини арзон ва сифатли маҳсулот билан таъминлашдир.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, озиқ-овқат хавфсизлиги давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланиб экан, замонавий агротехнологиялар, кластер ёндашуви ва ресурс тежовчи тизимлар бу борада энг самарали ечимдир. Зотан, бугунги ҳаракатлар эртанги барқарорликка хизмат қилади.

Эрали НОРБЕКОВ
Саҳобиддин РУСТАМОВ
олган суратлар



ИЛМ ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ

Хусусан, Тошкент вилояти ҳокимининг ташаббусига кўра, вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси бошлиғи Зиёдбек Йўлдошев раҳбарлигидаги ишчи гуруҳ айни кунларда Сурхондарё вилоятида бўлиб турибди. Гуруҳ таркибиде туман ҳокимликлари мутасаддилари, маҳалла раислари, ҳоким ёрдамчилари, тажрибали деҳқонлар ва тадбиркорлар бор.

Ишчи гуруҳ аъзолари Термиз инновацион томорқа мактабиде илм ва амалиётни уйғунлаштирган ҳолда бир йилда 5 мартагача экин киши технологияси, шунингдек, юқори даромадли цитрус мевалар ва экспортбоп маҳсулотларни етиштиришни ўргатуви ҳўв жараёнлари ва амалий тажрибалар билан яқиндан танишишди.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

— Лойиҳа доирасида “Бир маҳалла — бир маҳсулот” ва “Бир контур — бир маҳсулот” та-мойларига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Зиёдбек Йўлдошев. — Бу эса ҳар бир ҳудуднинг имконияти ва аҳоли кўниммасига мос, юқори даромадли маҳсулотлар етиштиришни кенгайтиришга хизмат қилади. Айтиш жоизки, тадбиркорлик субъектлари, тажрибали деҳқонлар ва томорқа эгалари мазкур лойиҳанинг ташаббускори бўлишади. Бу тажрибани вилоятимиз туман ва шаҳарларида жорий қилиш эса деҳқончилик маданиятини янги босқичга олиб чиқиб, маҳсулот ҳажми ва экспортни оширади. Асосийси, томорқадан оқилона фойдаланиш орқали минглаб оилаларнинг барқарор даромад манбаи шаклланади.

Ўз мухбиримиз

АГРАР СОҲАДА ЯНГИ ДАВР



Эътиборлиси, маросимда Тошкент давлат аграр университети ва Малайзиянинг Vantex Academy (аввал MERAQUE Academy номи билан танилган) ўртасида Англашув меморандуми имзоланди. Меморандумга кўра, сунъий интеллект бўйича қўшма таъ-

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

лим ва амалиёт дастурлари, дрон технологияларини ривожлантириш ва кадрлар салоҳиятини ошириш, робототехника ҳамда қишлоқ ҳўжалигида илгор технологияларни жорий этиш борасида билим, тажриба ва экспертиза алма-шинуви каби йўналишларда ҳамкорлик қилиш белгилаб олинди.

Мазкур ташаббусдан мақсад — аграр таълимни инновацион технологиялар билан яқинлаштириш, соҳада янги билимлар, замонавий ёнда-шувлар ва халқро тажриба-нинг чуқур интеграциясига йўл очишдир.

Ўз мухбиримиз

▼ Яхши хабар

“НУР”ДА ЗАМОНАВИЙ СПОРТ МАСКАНИ

Чирчиқ шаҳрининг “Нур” маҳалласида замонавий спорт зали фойдаланишга топширилди.



Янги масканнинг очилиши муносабати билан ўтказилган тадбирда Ўзбекистон спорт вазири ўринбосари, шаҳар ҳокими, маҳалла фаоллари ҳамда ёшлар иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар, ушбу иншоот маҳалла ёшлари бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари, оммавий спортни ривожлантиришга ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиби этишга хизмат қилишини таъкидладилар.

Мазкур бино 1935 йилда қурилган бўлиб, жорий йилда “Орен Бюджет” лойиҳаси доирасида ажратилган 1,5 миллиард сўм маб-лағ эвазига янгидан барпо этилди.

Шу куни “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳудудда кўчат киши ишлари амалга оширилди.

тажрибаларни ўргатди. Шу асосда бир нечта хонадонда иссиқхоналар ташкил этилди. Айниқса, “Қусканатау” маҳалласида намуна сифатида ташкил қилинган иссиқхонада маҳаллалар еттиликлари учун ўтказилган амалий семинар кўпчиликка манфаатли бўлди.

— Бизнинг вазифамиз ўзимиз бириктирилган тумандаги камбағал ва эҳтиёжманд оилаларни тадбиркорликка йўналтириш, уларнинг имкониятларини ривожлантириш ва барқарор даромад манбаига эга бўлишларига қўмаклашишдан иборат, — дейди ҳоким ёрдамчиси М.Йўлдошбоев. — Бўзатов туманига бўлган сафаримиз давомида аҳолининг турмуш шароити, эҳтиёжла-

бўлган бу йўналишга қизиққан тадбиркор 5 та ишчи ўрни яратди.

“Ишан қалъа” маҳалласида кўп йиллардан бери новвойчилик билан шуғулланиб келадиган фуқаро билан суҳбат ўтказилганда унда қўшимча даромад топиш истиғи борлиғи маълум бўлди. Унга ярим тайёр маҳсулотлар тайёрлаш ўргатилиб, ҳамир қориш ускунаси имтиёзли кредит асосида олиб берилди. Натижада яна 2 нафар фуқаро иш билан таъминланди.

Қўрай туманидаги “Уймавут” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси Мирзабек Йўлдошбоев Бўзатов туманига бириктирилди. Туман асосан чорвачиликка ихтисослашган экан. Лойиҳа менежерлари ту-

АМАЛИЁТДА СИНАЛГАН ТАЖРИБА

кўрсатиш шахобчаси ишга туширилди. “Маданият” маҳалласида ярим тайёр маҳсулотлар, “Жузимбағ” маҳалласида эса қандолатчилик корхонаси иш бошлади. Барча лойиҳаларга камбағал оила аъзолари бириктирилди. Икки ҳафталик сафаримиз давомида умумий ҳисобда 10 та тадбиркорлик субъекти очилди, 12 нафар ишсиз касб-хунарга ўқитилди ва 20 нафар фуқаро доимий ишга жойлаштирилди.

Мариям Камалова “Гужумтерек” маҳалласида яшайди. Унинг тикувчиликдан хабари бор, лекин иш бошлаш учун ортиқча маблағи йўқ эди. Лойиҳа менежерлари ҳолатни ўргангач унга кредит ажратишди ҳам қорақалпоқ миллий либосларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга қўмаклашишди.

— Ҳозир тўй ва байрамлар учун миллий услубдаги либосларга талаб катта, — дейди М.Камалова. — Айни пайтда миллий камзул, қўйлак, тақия ва бошқа аънавий элементлар қўйилган либосларни тикишманд. Қорақалпоқ миллий либосларида “қошқармуйиз”, “жылдыз”, “шынлар” каби аънавий нақшлар кенг қўлланилади, уларнинг ҳар бири алоҳида маънога эга. Келгусида миллий либосларимиз тарихини, нақшлар маъносини ва тикиш технологияларини ёшларга ўргатиш ниятим бор.

“Қўмшумгул” маҳалласида ҳам ижобий тажриба татбиқ этилди. Унга кўра, тадбиркорлик қилиш истиғидаги фуқарога уй тозалаш хизмати йўлга қўйиш тавсия этилди. Маҳалла учун янгиллик



ман ҳаётига янги йўналишлар киритишга эришишди.

Жумладан, “Эркиндарё” маҳалласида яшовчи Парахат Тоиров камбағал оилалар реестрига киритилган эди. Унга ҳоким ёрдамчилари томонидан 33 млн. сўм кредит ажратилиб, паррандачиликнинг тухумчилик йўналишида даромад топиш ўргатилди.

— Бизда асосан эчки боқилади, — дейди П.Тоиров. — Паррандачиликдан яхшигина даромад топиш мумкинлигини ўйлаб кўрмаган эканман. Ҳоким ёрдамчилари хонадонимдаги бўш турган ерга иссиқхона қуриш бўйича ҳам тавсиялар беришди. Энди иссиқхона қуриб, у ерда кўчат етиштиришни ҳам йўлга қўймоқчиман.


Мирзабек Йўлдошбоев туман аҳолисига иссиқхона ташкил этиш бўйича янги



Хабарингиз бор, Президент қарори билан Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиғи ҳузурида юқори натижага эришиб келаётган, ижобий тажрибага эга 50 нафар ҳоким ёрдамчисида иборат “Лойиҳа менежерлари” гуруҳи ташкил этилган эди. Унга кўра, гуруҳ таркибидеги ҳар бир ҳоким ёрдамчиси самарадорлик кўрсаткичлари паст бўлган туман-шаҳарларга бириктирилиб, олти ойгача хизмат сафарига юборилиши белгиланган эди. Бу рўйхатда вилоятимиз вакиллари ҳам бор.

Хусусан, яқинда Қўрай, Пискент ва Зангиота туманларидан танлаб олинган 3 нафар ҳоким ёрдамчиси Қорақалпоғистон вилоятининг Бўзатов, Кеғейли ва Қонқил туманларида хизмат сафарига бўлишди. Улар ўзларига бириктирилган туманларини обдон ўрганиб, маҳаллаларда бир қатор лойиҳаларни йўлга қўйиб, тажрибалари билан бўлишишди.

— Кеғейли туманида 16 та маҳалла бўлиб, туман асосан қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган, — дейди Зангиота туманидаги Фаробий номли маҳалла ҳоким ёрдамчиси Асия Қудайбергенова. — Биз маҳаллалардаги аҳолини ўрганиб, аҳоли билан суҳбатлашдик, шунингдек, ҳудуд имкониятларини синчиклаб ўргандик. Хулосаларимизга таяниб, “Халқабад”



Viloyat bo‘ylab

Prezident olimpiadasida faol ishtirok etib, yuqori natijalarni qo'lga kiritgan sportchilarning ota-onalariga TOSHKENT viloyati hokimining “Tashakkurnoma”si topshirildi. Bu tashabbus nafaqat g'oliblarni rag'batlantirish, balki yoshlar o'rtasida sportga qiziqishni kuchaytirish, sog'lom turmush tarzini targ'ib qilishda ham muhim ahamiyat kasb etadi.

NURAFSHON shahridagi Cyber davlat universitetida yoshlar va investorlar uchrashuvi tashkil etildi. Unda “CTS United Development”, “Romchi”, “Elite Academy”, “Ro'zmetov” kabi yirik loyihalar asoschilari so'zga chiqib, biznes yuritish qoidalari, rivojlanish strategiyalari hamda muvaffaqiyat yo'lidagi tajribalari haqida yoshlarga so'zlab berishdi.

TOSHKENT viloyatida 2026-yil chigit ekish mavsumi uchun jami 5 ming 72 tonna urug'lik jamg'arildi. Kelasi yil hosili uchun xorijiy navlar bo'yicha ham yetarli zaxira shakllantirildi. Xususan, yuqori hosildorligi bilan sinovdan o'tgan “Xin Lu Zao 78” hamda “Xin Lu Zhong-57” navlaridan jami 526 tonna urug'lik tayyorlandi.

YANGIYO'L tumani hokimi O.Atullayev “Niyozbosh” mahallasida bo'lib, aholi murojaatlarini manzilli o'rgandi. Aniqlangan kamchiliklar yuzasidan mutasaddilarga tegishli ko'rsatma va tavsiyalar berilib, muammolarni bartaraf etish uchun amaliy choralar ko'rildi.

OQQO'RG'ON tumani ichki ishlar hamda Kambag'allikni qisqartirish va bandlikka ko'maklashish bo'limlari hamkorligida probatsiya nazoratida turuvchi shaxslar uchun “Me'nat yarmarkasi” tashkil etildi. Tadbirida korxona va tashkilotlar 175 dan ortiq bo'sh ish o'rinlari bilan qatnashishdi.

ХАЛҚАРО ЯРМАРКАДА ВИЛОЯТИМИЗ САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА

Тошкентда "Ипак йўлида туризм" халқаро сайёҳлик ярмаркаси бўлиб ўтмоқда.

Уч кун давом этадиган тадбир Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитаси ва қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ўтказилмоқда. Мақсад — мамлакатга туристлар оқimini кўлайитириш ва туризм хизматлари турларини кенгайтиришга қаратилган.

▼ Ипак йўлида туризм

Жорий йилда 30-мартаба ўтказилаётган ярмарка бутун дунёдан туризм бизнеси мутахассисларини бирлаштиргани билан ҳам аҳамиятлидир. Мазкур ярмарка соҳанинг барча вакиллари — етакчи туризм ва транспорт компаниялари, йирик меҳмонхона тармоқлари, дипломатик корпуслар, мамлакатдаги туризм соҳаси ходимлари учун кўп жиҳатдан фойдали бўлади.

Эътиборлиси, анжуманда Тошкент вилоятининг туризм салоҳияти алоҳида павильонда кенг ёритилмоқда. Шундай йирик халқаро майдонда вилоятимиз павильони барча ҳудудлар орасида ўзининг кенг қамрови, мазмундорлиги ва интерактив ёндашуви билан алоҳида ажралиб турибди. Павильонда вилоятнинг туризм, таълим ва миллий хунармандчилик соҳаларидаги салоҳияти комплекс тарзда намоён этилган. Туризм йўналишида "Чимён — Чорвоқ — Бўстонлиқ" туристик кластери, қишқик-ёғиз экстремал спорт турлари, экологик саёҳатлар, "Янги Швейцария" концепцияси мультимедиа форматда тақдим этилган. Бу сайёҳаракатлар меҳмонлар ва халқаро делегациялар томонидан юқори баҳоланмоқда.

Фестивалнинг биринчи кундаги мар-

казий воқеа — Бутунжаҳон шеф-поварлар уюшмаси стандартларига мувофиқ ўтказилаётган халқаро ошпазлар чемпионати бўлди. Унда Ўзбекистон ва хориждан келган иштирокчилар 12 та танлов йўналиши бўйича маҳоратларини намоён этишди. Айниқса, бу йил Япония, Россия ва Марказий Осиё мамлакатларидан келган

ўтмоқда. Кўргазма мамлакатнинг бой хунармандчилик меросини намоён этиш учун асосий майдон бўлиб, Ўзбекистоннинг барча ҳудудларидан келган 120 нафар устани бирлаштирган. Айниқса, бу йил Япония, Россия ва Марказий Осиё мамлакатларидан келган



қамраб олинган. Амалий санъат майдонларида усталар томонидан жонли иш жараёни намоён этилиши эса меҳмонларнинг қизиқишини янада оширмоқда.

Тадбирда таълим йўналишига ҳам катта эътибор қаратилган. Павильонларда туризм коллежлари, университетлар, гидлар тайёрлаш марказлари ўз дастурлари, таълим методикалари ва талабаларнинг инновацион лойиҳаларини намоён этишди. Расмий очилиш маросимида ҳам туризм таълими "ТХТУ-2025"нинг муҳим бўлими-ридан бири сифатида қайд этилган эди.

Қайд этиш жоизки, жорий йилги туризм ярмаркаси нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун Марказий Осиёнинг туризм салоҳиятини намоён этиш учун йирик майдон бўлиб хизмат қилмоқда. Бундай имкониятлар туризм соҳаси мутахассислари, тадбиркорлар ҳамда саёҳат ишқибозлари учун янги йўналишларни кашф этиш, тажриба алмашиш ва ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишда кенг имкониятлар яратди.

Ўткир ҲОШИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири

▼ Қизил Ярим ой жамияти

БИР АСРЛИК ФАОЛИЯТ

Хабарингиз бор, жорий йилда Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти ўзининг 100 йиллик юбилейини кенг нишонламоқда.

Шу муносабат билан Нурафшон шаҳридаги "ННТ ва Дўстлик уйи"да катта тадбир ташкил этилди. Унда Ўзбекистон ННТ Ассоциацияси вилоят бўлими, вилоят ҳокимининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича қотибати, Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди вилоят бўлими ҳамда ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.

Таъкидланганидек, Қизил Ярим ой жамияти нуфузли халқаро гуманитар ташкилотлардан бири сифатида бир аср давомида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига ёрдам кўрсатишдек эзгу мақсад йўлида хизмат қилиб келмоқда.

— Жамиятнинг бош мақсади инсон кадри-қимматини сақлаган ҳолда ижтимоий заиф қатламларга қўмак бериш, уларнинг турмуш даражасини ошириш ва ижти-

моий-иқтисодий ҳимояни таъминлашдир, — дейди Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти вилоят ташкилоти раиси Дилфуза Аҳмедова. — Вилоят микёсида 800 га яқин фуқарога моддий ёрдам берилди. Шунингдек, грант лойиҳалари доирасида 150 млн. сўмлик ёрдам кўрсатилди.

Тадбир доирасида "Меҳр-мурувват" хайрия акцияси ҳам ўтказилди. Унда шахар ва туманлардан келган ижтимоий ҳимояга муҳтож оила аъзоларига маиший хўжалик моллари, гигиена воситалари, кийим-кечаклар тарқатилди.

Таъкидлаш жоизки, жамият ташаббуси билан бу каби хайрия тадбирлари декабрь ойида ҳам давом эттирилиши режалаштирилган.

Нигора ЭРКИНБОЕВА

▼ Qishloq xo'jaligi

Bir mavsum davomida bir necha ming gektar paxta dalasida hosil yig'ishda beminnat xizmat qiladigan paxta terish mashinalari mavsum tugashi bilan jimb qoladi. Ammo ularning "sukut davri" kelgusi terim mavsumining taqdirini hal

qiladi. Mashina qay darajada to'g'ri saqlansa — hosil shunchalik tez, arzon va barqaror teriladi. Shu bois ilmiy asoslangan saqlash yondashuvlari bugun paxta yetishtiruvchilar uchun eng muhim mavzulardan biriga aylanmoqda.

MAVSUMDAN KEYINGI MAS'ULIYAT

Shu maqsadda Toshkent davlat agrar universiteti professor-o'qituvchilari tomonidan hududlarda amaliy seminarlar o'tkazilib, fermerlarga texnikani saqlovga qo'yish bo'yicha zamonaviy ilmiy tavsiyalar berilmoqda.

Ma'lumki, so'nggi yillarda O'zbekiston qishloq xo'jaligida mexanizatsiya jarayonlari sezilarli sur'atda kuchaydi. Davlatimiz rahbari tashabbusi bilan 2024-2025 yillarda xalqaro moliya institutlari va mahalliy mabzalar hisobidan qariyb 500 million dollarlik zamonaviy paxta terish mashinalari xarid qilinib, agroklastlar va fermer xo'jaliklariga qulay lizing sharoitida yetkazib beriladi. Bu sa'y-harakatlar natijasida joriy mavsumdan 1 ming 756 ta mashina terimga jalb etildi va mamlakatda mashinalar yordamida terish darajasi 22 foizdan 52 foizga yetdi.

Biroq texnikani ko'paytirishning o'zi yetarli emas. Paxta terish mashinasining navbatdagi mavsumda ham ishonchli, uzluksiz ishlashi eng avvalo uning mavsumdan keyin qanday saqlanganiga bog'liq.

Hozirda O'zbekistonda paxta terish mashinalarini saqlash bo'yicha yagona milliy standart mavjud emas. Ko'p mashinalar ochiq may-



donlarda saqlanadi va moylash, konservatsiya ishlari to'liq bajarilmaydi. Bu holatlar metall va rezina qismlarning zararlanishiga sabab bo'lib, texnika resursini qisqartiradi. Shu bois ilmiy asosdagi saqlash tizimlari joriy etilib, texnika xizmat muddatini uzaytirish va ta'mir xarajalarini sezilarli kamaytirish muhim hisoblanadi. Bu borada rivojlangan davlatlarning ish uslublaridan kerakli jihatlarni o'rganilsa, ancha samarali bo'ladi.

Yaponiyada texnikaga mas'uliyatli munosabat madaniyat darajasiga aylangan. U yerda mashinalar ventilyatsiyali, harorati

boshqariladigan maxsus angarlarda saqlanadi. Xitoyning Sinszyan hududida esa paxta terish mashinalari markazlashtirilgan angarlarda guruhlab saqlanadi va konservatsiya ishlari bir xil tartibda bajariladi.

Bunday ilmiy asoslangan saqlash texnikaning xizmat muddatini 2-3 mavsumga uzaytiradi, ta'mirlash xarajalarini 30-40 foizgacha kamaytiradi. Eng muhimi, kelgusi mavsumda mashina kutilmagan nosozliklar bilan fermerni qiynamaydi.

Muxtasar aytganda, O'zbekistonda agrar sohaning barqaror rivojlanishi nafaqat yangi texnikalar xaridiga, balki mavjud mashinalardan oqilona va ilmiy asosda foydalanishga ham bevosita bog'liq. Zamonaviy paxta terish mashinalarini to'g'ri saqlovga qo'yish — mehnat unumdorligini oshirish, xarajatlarni qisqartirish va kelgusi mavsumda yuqori natijaga erishishning eng muhim shartidir.

Zarnigori SODIQOVA,
TDAU matbuot xizmati rahbari

РИМ ПАПАСИ – ЗИЁРАТДА

Рим Папаси Лев XIV фаолиятини бошлагандан бери илк хорижий таширини Туркиядан бошламоқда.

Ватиканнинг таъдир беришича, 2 декабрда давом этадиган сафар давомида Понтифик Анкара, Истанбул, Изник шаҳарларида бўлади, Президент Эрдоган ва Патриарх Варфоломей билан учрашади. Истанбулда католик маросимини ўтказди ва Султон Аҳмад масжидини зиёрат қилади.

Папа Лев Патриарх Варфоломей билан учрашиб, музокаралар якуни бўйича қўшма декларация имзолайди.

Понтифик, шунингдек, католик епископлари ва руҳонийлар билан ҳам кўришиб, Изникда эса Авлиё Неофит базиликасининг археологик қолдиқлари ёнида ибодат маросимида қатнашади.

Бундан ташқари, қадимий Изникда ўтадиган Биринчи Никей черков йиғилишининг 1700 йиллигига бағишланган тадбирларда иштирок этади. Мазкур ибодатхона 325 йилда христиан динининг фундаментал асосларини аниқлаб, хусусан, Никей эътиқод рами каби муҳим доғматларни қабул қилиб, бутун черков та-

рихига муҳр босган.

Папанинг мазкур таширифи 1971 йилдан бери ёпиқ қўлиб келаётган, Истанбул яқинидаги Хайбелидада оролида жойлашган Грек-православ Халыки семинариясининг қайта очилишига умид бағишламоқда. Қўллаб-қувватлаш ва руҳонийлар, шунингдек, Умуми-православ Патриархи Варфоломей I ҳам таълим олган бу семинария православ мероси ва диний эркинликларнинг муҳим рамзига айланган.

Туркиядан кейин Папа Ливанга йўл олади, давлат раҳбари Жозеф Аун билан кўришади, Байрутда очик осмон остида ўтадиган диний маросимда иштирок этади.

Понтифик 2020 йилда Байрут портида юз берган, 200 дан ортиқ кишининг ҳаётига зомин бўлган портлаш жойида ибодат қилади.

Ватиканнинг таъкидлашича, АҚШдан чиққан биринчи Папа бўлган Лев XIV ўз ўтмишдоши Францискининг мусулмонлар ва насронийлар ўртасидаги мулоқот йўлини давом эттириш ниятида.

Кузатувчиларнинг фикрича, Туркия ва Ливаннинг илк хорижий сафар учун танланиши янги Понтификнинг Яқин Шарқда тинчлик ва ўзаро англашувга интилишини намоён этиди.

Экспертлар қайд этишича, Папа Лев XIV Исроилнинг Ғазо секторига нисбатан олиб борган блокадаси ва ҳужумларини бир неча бор қоралаб чиққан. Июль ойида Понтифик Исроилнинг Ғазодаги Авлиё оила черковига ҳужумини кескин танқид қилган. Октябр ойида эса Ватикан илк бор Исроилни фаластинликларни геноцид қилишда айблаб чиққан.

Туркиялик тарихчи Нурхан Четинкая ўтказган тадқиқотга кўра, Рим Папаси Лев XIV келиб чиқишига кўра арман бўлиб, авлоди Туркиянинг Қайсары шаҳридан. Аммо, расмий Ватикан баёнотларида унинг келиб чиқиши АҚШ билан боғланган ҳолда бериллади...



ДИПЛОМАТИК КАНАЛЛАР ОШКОР БЎЛДИ...МИ?

Украина-Россия можаросини тартибга солиш бўйича янги маълумотлар пайдо бўлмоқда, уларнинг баъзилари эскиларига зид келмоқда.

Киев АҚШ тинчлик режасининг уч асосий шартини рад этгани эмиш: Донбасс устидан назоратни топириш, Қуролли кучлари сонини 600 минг кишигача қисқартириш ва НАТОга аъзо бўлишдан воз кечиш.

Бошқа хабарда Киев АҚШ режасига "баъзи арзimas тафсилотлар" шarti билан рози бўлгани айтилади.

Bloomberg икки кун аввал иккита телефон суҳбати стенограммасини эълон қилди. Биринчиси, гўёки АҚШ Президенти вакили Стив Уиткофф ва Россия Президенти ёрдамчиси Ушаков ўртасида 14 октябрда бўлиб ўтган мулоқот. Иккинчиси, Ушаковнинг РФ тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси раҳбари Дмитриев билан 29 октябрдаги суҳбати. Биринчисида РФ ва АҚШ етакчи-

ларининг телефон суҳбатини ташкил этиш муҳокама қилингани айтилиб, у Зеленскийнинг Вашингтон сафаридан олдин бўлиб ўтиши ҳақида сўз боради.

Иккинчи суҳбат стенограммаси Дмитриев Москванинг "тинчлик режаси"ни Америка томонига "но-расмий" равишда етказиш режалаштирилгани ҳақида. Унда АҚШ РФ режасини тўлиқ эътиборга олинишига шубҳа билдирилган.

"Фейк", дея изоҳ берган Дмитриевнинг ўзи.

Ушаков Уиткофф билан гаплашиб туришини таъкидлаб, бундай маълумотлар "бизга тўқсинлик қилиш учун" эълон қилинади, деган.

"У ерда кўрқинчли ҳеч нарса йўқ", дея изоҳ бериб сўзчи Песков. "Бу жараёни барбод қилиш учун тап тортмайдиған қўллаб одамлар бор".

Таҳлилчиларга кўра, бу Уиткоффга қарши бошланган кенг қўлмали ахборот кампанияси бўлиши мумкин:

мақсад РФга нисбатан америкалик қаттиқ сиёсат тарафдорлари европалак ҳамкасблари билан биргаликда Уиткофф обрўсини тушириш, уни Путин таъсирига тушиб қолгандек кўрсатиш. "Трамнинг ностандарт сиёсий ёндашувларга мойил эканлиги ҳисобга олинса, бу унинг тактикаси бўлиши ҳам мумкин", дейишмоқда.

Қизик жиҳати, Трампнинг Киевга қўйган 27 ноябрдаги тинчлик келишувига рози бўлиш ультиматумининг мақоми ҳалигача аниқ эмас.

"Украина тинчлик жараёнини саботаж қилишни тўхтатади ёки Америка ҳарбий ёрдами ва разведка маълумотларидан махрум бўлади, деб жиддий умид қилиш мумкин эмас", деган у.

Экспертлар Ғазодаги вазиятни мисол келтириб, Исроил-ХАМАС сулҳининг бир ярим йилдан бери иккинчи босқичига ўтиш мuddatlари ва йўллари ҳали ҳам ноаниқлиги, айнаи пайтда эришилган ўз очилиши тўхтатиш саботаж қилинаётганини қайд этишади...

Аброр ХОН,
сиёсий шарҳловчи

СПОРТ янгиликлари

БИР КУНДА ТЎРТТА ОЛТИН!

Айни кунларда спорт бўйича "Президент Олимпиадаси"нинг Республика босқичи қизгин давом этмоқда.

Мамлакатимизнинг энг иқтидорли ёш атлетлари иштирок этаётган мазкур нуфузли мусобақада вилоятимиз спортчилари ҳам муваффақиятли қатнашмоқда. Хусусан, навбатдаги кунги беллашувларда улар 4 та олтин медални қўлга киритишди.



Жумладан, қизлар ўртасида 2000 метрга тўсиқлар оша югуриш беллашувларида вилоятимиз фарзанди Сафарбону Нусротуллаева 6:39,6 вақтда финишга етиб келиб, биринчи ўринни эгаллади. Шу билан бирга, у мазкур натижа билан Ўзбекистонда 18 ёшгача бўлган ўсмирлар рекордини ҳам янгилади. Аввалги рекорд Насима Мамировага тегишли бўлиб, у 6:44,05 натижа қайд этган эди.

Шунингдек, оғир атлетика бўйича беллашувларда вилоятдошларимиз анча фаол бўлишди. Хусусан, қизлар ўртасидаги беллашувларнинг 81 килограммгача бўлган вазн тоифасида баҳсларда иштирок этган Садоқат Абдуганиева умумий 216 кг. тошни кўтарган ҳолда олтин медалга сазовор бўлди.

Эркалар ўртасидаги беллашувларнинг 81 килограммгача бўлган вазнида эса вилоятимиз шарафини ҳимоя қилган Санъатбек Юсуббоев жами 308 кг. тошни ўзига буйсундириб, шохсула тўридан жой олди.

Бундан ташқари, мусобақанинг баландликка сакраш баҳсларида иштирок этган вилоятдошимиз Дилнур Хайдарова 1,64 метр баландлиқни забт этиб, вилоятимиз ҳисобига навбатдаги олтин медални қўшиб қўйди.

Мазкур натижалардан сўнг, Тошкент вилояти ҳисобидаги медаллар сони 16 тага (4 та олтин, 3 та кумуш ва 9 та бронза) етиб, бу бўйича кучли бешиқдан жой олди.

Беллашувлар давом этмоқда.

ЖАВОҲИР СИНДАРОВ – ЖАҲОН КУБОГИ ҒОЛИБИ

Хиндистоннинг Гоа шаҳри шахмат бўйича жаҳон кубогига мезбонлик қилди. Дунёнинг турли нуқталаридан 200 дан ортиқ энг кучли ақл гимнастикаси соҳиблари иштирок этган мазкур нуфузли турнирда ҳамюртимиз Жавохир Синдаров бош совринни қўлга киритди.

19 ёшли гроссмейстеримиз финалда хитойлик тажрибали Вей Иига қарши дона суриб, якунда тай-брекда рақибини мағлуб этди.



Шу тариқа, Жавохир Синдаров тарихдаги энг ёш Жаҳон кубогии ғолиби бўлди.

Мазкур натижадан сўнг, давлатимиз раҳбари томонидан у "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фахрий спортчи" фахрий унвони ҳамда уч хонали хонадон билан тақдирланди.

Энди вақилимиз 2026 йил Кипр мезбонлик қиладиган Номзодлар турнирида иштирок этади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди



▼ Кўрик-танлов

Ўқитидорли қизлар сараланди

Янгийул туманида Зулфия номидаги давлат мукофоти тавсия этиш бўйича кўрик-танловнинг вилоят босқичи ўтказилди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи Нилуфар Нормирзаева, туман ҳокими Одилжон Атауллаев ва бошқалар сўзга чиқиб, танлов иқтидорли қизларни кашф этиш, уларнинг истеъдодини юзага чиқаришда катта аҳамият касб этаётганини таъкидлашди.

тижалар ҳам шунга яраша бўлади.

Номзодлар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар, йўналишлар бўйича талабгорларнинг ютуқлари, илмий-ижодий ва амалий ишлари ҳақамлар хайъати томонидан баҳолаб борилди.

— Танловда Пискент туманидан "Маданият" йўналишида иштирок этдим, — дейди Зилола Ҳакимжона



Танловнинг 22 та шаҳар-туман босқичларида иштирок этган 673 нафар қиздан 125 нафари вилоят босқичида сараланди.

Жараёнда иштирокчилар саккизта йўналиш: фан, таълим, адабиёт, маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари ва жамоатчилик фаолияти бўйича ўз иқтидорларини намойиш этишди.

— Жорий йилги танловда ҳам иқтидорли қизлар қатнашаётганига гувоҳ бўлдик, — деди хайъат раиси Нилуфар Нормирзаева. — Уларнинг эришаётган ютуқлари, ҳар жабҳада фаоллиги қувонарли. Албатта, бу қизлар кўлаб ёшларга ўрнак бўла олишади. Якуний на

нова. — Янги таассуротлар, ўзгача ҳаяжон чулғаб олган. Танлов баҳонасида янги дўгонларим кўпайди.

Йўналишлар бўйича ҳар бир ўринга муносиб талабгорлар танлаб олинди. Улар вилоят ҳокимлиги томонидан эътироф этилиб, тақдирланди.

Эндиликда улар республика босқичига тавсия этилади.

Нигора ўРОПОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири

▼ Одамийлик шеvasи

(Журналист
Қурбон Эшматга)

Қурбон акани яхши билмайман. Кўпчилик дўстларим ҳам деярли шу фикрда. Билганим, қўришганда «Дарсингни қилдингми?» деб сўрайди. Бу унинг «бола-чақанг тинчми, ишларинг яхшими, кечаги ишларинг битдимми», дегани. Хайрашаётчи ҳам, бўпти яхши бор, соғу саломат бўл, демайди. «Дарсингни қил!» дейди. Яна у киши ҳақида билганим, бировдан ёки унинг қилган хайрли ишидан хурсанд бўлиб кетса, «Богингга булбул!» деб ҳайқариши...

Қурбон ака билан бирга Фарғонага борадиган бўлиб қолдик. Машинага ўтиргач, мезбон сифатида, фалон-фалон жойларда бўламыз, фалон-фалон акаларни кўрамыз, дея унга гапира кетдим. Водийнинг энг зўр жойларига олиб бориб, оғзини бир очиб қўйдим.

— Сен ўзинг Қашқадарёда бўлганмисан? — сўради ака.

— Бормаганман.

— Сени ўзим олиб бораман, — Қурбон ака завқ-шавққа тўлиб сўзлашга киришди. — Қашқадарёжонимда менинг қишлоғим бор. Қишлоқжонимда эса қайрағочим бор — отажоним эккан! Тепаликда, қишлоқ кўринмасдан бурун у кўзга ташланади. Мени кўриши билан япроқларини хилпирайтиб, «келяпти-келяпти» дегандай бўлиб туради. Шундай бориб қучоқлайман, «Омонмисан, отам эккан қайрағоч» деб ўпаман! У ҳам шоҳлари, новдалари билан мени қучгандай, елкамга қокқандай, япроқлари билан юзларимни сийпалагандай бўлади! Ох, менинг қайрағочжоним! Богингга булбул!

Биласанми, отам оламдан ўтган йили таътилга борсам, қайрағоч қуриб қолди! Шоҳларида — тирик-лигидан нишона йўқ! Йилгадими! Тўлиб-тўлиб йилгадими — отам ўлганда ҳам бунчалик йилламагандими! Укам юпатди, олам юпатди, ўртоқларим юпатди...

Остини қовлаб, бир ой сув қуйдим! Япроқларига тикилиб бир ой ёт-

Моҳият

Аллоҳ ризолигига олиб
борадиган барча йўллари
ни ўрганиб чиқдим. Энг
қисқа йўл одамларни
севинтириш эканини
кўрдим.

Хўжа Ахрор ВАЛИЙ



дим! Бир ой Худога илтижолар қилдим! Мўъжиза рўй берди, укажоним, мўъжиза: қайрағоч барг ёзди! Отам эккан қайрағоч кўкариб кетди! Ҳозиргача кўкариб турибди! Бу йил олтимши бир ёшга кирди қайрағочим!

Отам ғалати табиатли инсон эди. Адирда ер очил, боғ қилиш билан қишин-ёзин овора бўларди. Битта дарахти кўкарса ёки гулласса, у раҳматлига байрам эди. Учраган одамни қучоқлаб олиб ўпарди. «Қўкарди, гуллади!» дея ҳаяжонини босолмасди. Қуриган, синган дарахтларни кўрса, чиroyли қилиб, арра билан ғўла қилиб кесарди, қишлоққа олиб келиб, уйма-уй юриб тарқатарди. Одамлар унинг бу феълани қўриб «Девонароқ-да», деб қўйишарди. Лекин отам бунга эътибор қилмасди. Охирги еттига ғўла тарқатилмай қўлиб кетди. Етти дон. Биз етти фарзанд эдик: уч ўғил, тўрт қиз. Отам тўсатдан қазо қилди. Қишлоққа газ келди — ёқилмай қўлиб кетди. Отамнинг қўли теккан ғўлалар!

Қишлоққа боришимни эшитишгач, укаларим ана шу ғўлаларни омондан олиб чиқиб, отам эккан қайрағоч остига териб қўйишди. Уларга ўтирамыз. Тепамизда отам эккан қайрағоч, япроқлари қўшиқ айтади.

Бу йил баҳорда борсам, қайрағочнинг остидан янги ниҳоллар ўсиб чиқибди! Етти дон! Биттасини сенга бераман — отам эккан қайрағоч

Yaxshi do'st

Yaxshi do'st yaxshi hamisha, izzati — nafs bo'lak,
Yomon do'st — jonning azobi, niyati — qasdi bo'lak.

Yaxshi do'st jon ichra jondir, xizmati himmat erur,
Soxta do'st qiymati rasvo, salomi qimmat erur.

Yaxshi do'st shul: yo'g'ingda ham yaxshi fikr-u o'yida,
Yomon do'st-chi asli poying yiqishlikning ko'yida.

Yaxshi do'st-la hayotingda bilinmaydi kam-u ko'st,
Chunki doim yomon kunda yoningda bor yaxshi do'st.

Yaxshi do'st oshig'u zo'hid, mo'min-u obid erur,
Do'ppi tor kelganda ham ul lafzida sobit erur.

Yomon do'st kim?! Birda sen-u birda raqib tomondir,
Yomon do'stning sen haqingda bor o'y-fikri gumondir.

Ayo Xoliq, oq-u qaro nadir bilsin bu aql,
Yaxshi do'st qil o'zni hamda yaxshi do'stlar ichra qil.

Ustoz va millat

Tanish eshik ochiladi, eski xona.

Tanish ovoz — tinglasam qon gupuradi.

To'p atirgul quchoqlagan, yonginamdan,
Kichik bola "ustoz" deya yuguradi.

Yuguradi minglab bola hayajonda,
Yuzlariga baxtning rasmi tortilgandir.
Bu hayotda kelajakning bor yuklari,
Muallimning yelkasiga ortilgandir.

O'ttiz yillab bir xonada Vatan uchun,
Ming polapon hayotiga nur kiritgan.
Mayli, usti-boshi bo'lsa hamki yupun
Har yurakka yonib turgan qo'r kiritgan.

Yurt holini bilish uchun uzoq yurma,
El bilish-chun murabbiyga boqilgaydir.
Ustoz so'zi unut yurtdan sado kutma,
Ustozi bor millat aslo qoqilmaydir!

Ey o'zbekning tili, holing omonmi?
Bag'ring butunmi yo yuzing somonmi?
Sani unutganlar yaxshi-yomonmi?
Bari begonadek ul og'a-inim,
Ey sodda xalq tili, ey ona tilim!

Kimlar payhon qildi gohi bog'ingni,
Azaga o'rashdi bayram chog'ingni,
Yo'q qilmoq bo'lidilar bor-u yo'g'ingni,
Mening hech kimsaga aytolmas sirim,
Ey sodda xalq tili, ey ona tilim.

Фарғонада ҳам кўкарсин! Ҳе, боғингга булбул!

Қурбон аканинг ҳикоясини тинглаб, маъзила етганимизни ҳам сезмай қолибмиз. Эшик оғзида кутиб олувчиларни қўриб, кўнглим кўтарилди. Амаким, акам, укаларим... Уларнинг сафида маҳалла оқсоқолни қўриб бироз ажабландим, йўл-йўлак кўригандир-да, деб унча парво қилмадим.

Ўтириш яримламай, оқсоқол мени четга тортди.

— Чинорни кесмоқчи эдик, Мухтор ака сендан рухсат сўраш кераклигини айтди, — деди чинор томонга ишора қилиб. — Масжиднинг полига тахта қилишмоқчи...



Мен ҳамон Қурбон ака ҳикоясининг таъсирида эдим.

— Кесаверинглари! — дедим алам билан.

— Биздан яшириқча нима гаплар бўляпти? — ҳазил аралаш оҳанда сўради Қурбон ака амаким билан сўзлашганча бизга қиялашаркан.

— Бунинг дадаси раҳматли, — амаким тушуни торта кетди, — қабристон атрофида Андижондан

яқин беш юз туп чинор олиб келиб эктирганди. Азбаройи қабристонни обод қилиш учун. Чинорлар буюм бўлгач, масжид қурамыз дейишиб,

Nechun g'amginlik bor rang-ro'yingda ham,
O'ynab kulolmaysan goh to'yingda ham,
Gohi tinch qo'yishmas o'z uyingda ham,
Ba'zan azoblarining bermaydi tinim,
Ey sodda xalq tili, ey ona tilim!

Sensiz Farhodlarga Shirin begona,
Sensiz biyobonda Majnun devona,
O'zing yagonasan, o'zing yagona,
O'zing mo'jizasan, o'zing dinim,
Ey sodda xalq tili, ey ona tilim.

маҳалла эҳтиёжи учун кесиb ишлатиб юборишди. Дадасидан эсдалик бўлиб, бир донагина чинор қолди масжид ҳовлисида! Шунини чоллар, «Экканга ҳам савоб, кесганга ҳам савоб», дейишиб, масжидга пол қилишмоқчи!

— Чинор кесилмайди! Бу рухсат берса ҳам, — ака менга қўлини биғиз қилди, — мен рухсат бермайман! Кесган одамнинг калласини оламан! Шундай деб айтиб қўйинглари ўша чолларингга! Бу гапни ким айтди деса, отасининг қайрағоччи бор Қурбон Чинорий айтди денглари!

Биров бир сўз демади.

— Чинорни кесаверинглари дейсан?! — ака менга яна юзланди. —

▼ Ko'ngil shevasi



Asliddin
SABRIDDINOV,
"Mard o'g'lon"
davlat
mukofoti
sovrindori
Parkent tumani

Ajabmasmu

Qay sababdan oshiq bo'ldim,
Ajabmasmu, ajabmasmu?
Sani deb tirildim-o'ldim,
Ajabmasmu, ajabmasmu?

Bag'rim ishqdan kabob bo'lsa,
Qani sandan javob bo'lsa,
Javobing ham savob bo'lsa,
Ajabmasmu, ajabmasmu?

So'zlarimni torga tikdim,
Boshimni bir yorga tikdim,
Zulf atalgan dorga tikdim,
Ajabmasmu, ajabmasmu?

Ko'zing tashna qonimgamu,
Yo bechora jonimgamu,
Kelolmaysan yonimgamu,
Ajabmasmu, ajabmasmu?

Ikkinizga a'yon sirlar,
Mahshar kuni nima derlar,
Yozilmasdi, shunday she'rlar,
Ajabmasmu, ajabmasmu?

Ne yozilmish xinoyingda,
Ne bir taxsir chiroyingda,
Ismim bormish duoyingda,
Ajabmasmu, ajabmasmu?

Ko'kni to'sdi ko'nglim ohi,
Oshig'ingning ko'p gunohi,
Ajab bo'lsin deysan gohi,
Ajabmasmu, ajabmasmu?

O'zing o'yla, ko'rikligim,
Qancha zo'rga sherikligim,
Shu kungacha tirikligim,
Ajabmasmu, ajabmasmu?

Ikkinizga a'yon sirlar,
Mahshar kuni nima derlar,
Yozilmasdi, shunday she'rlar,
Ajabmasmu, ajabmasmu?



Ona tilim

Yetar shuncha bosib turish tishingni,
Kimlar qiyin qildi oson ishingni,
Qo'ygin, onajonim, imyanishingni,
Sani ko'rib mulzam bo'ladi dilim,
Ey sodda xalq tili, ey ona tilim.

Sendan voz kechganning peshonasi sho'r,
Yasha ozod mag'rur, yasha shodon hur,
Toki qiyomatga qadar azim tur,
Sen o'zing imyonim, sen o'zing dinim,
Ey sodda xalq tili, ey ona tilim.

Сигаретни чукур-чукур тортдим,
аммо Қурбон аканинг кўзига қаролмадим.

Ака поли чала-чулла артилиб, деворда осилган гилам олинди, ерга солиниб, устига уч-тўртта кўрпача ташланган — биз меҳмонларга аталган хонага кириб кетди.

Мезбонлар билан шунчаки хайрлашдик. Хонага кирганимда Қурбон ака ухламагани: тескари томонга ўгирилиб, кўрпани устига тортди.

— Бирор нарса керак эмасми? — деб сўрадим.

— Дарсингни қилдингми? Ухла! — деди саволимга жавобан.

Ухладим. Тушимга Чингиз оғанинг «Биринчи муаллим»идаги кўш дарахт кирибди. Улар шамолда тебраниб, чапак чаларди. Лекин дарахтларнинг қарсақлари мени масҳара қилаётгандай эди.

Эрталаб Қурбон акани ховлидаги арчага тикилганча чўнкайиб ўтиганини кўрдим. Ёнида укаларим.

— Мана шу томонда кимнинг уйи бор? — сўради у қўли билан ишора қилиб.

— Мени, акамни, — укам жавоб қилди.

— Энди мана бу арчага қара, — Қурбон ака укамга ишора қилди.

— Шоҳларига қара — бармоқларга ўшайдимми? Арча қучоғини ёздиб сизлар томонга талпинаётганга ўшайдимми?

Арчага хайратланганча тикилиб қолдик. Дарвоқе, арча ака айтган ҳолатда турарди. Биз сўзсиз эдик.

— Отанглари, «Ўғилларим, мени унутмадиларингми? Сизларни жуда-жуда яхши кўраман!» демаёптими? — деди яна Қурбон ака.

— Деяпти! — деди укам юзига юмалаган ёшни артarkan.

— Шу арчанинг бир япроғи узилса, битта шоҳи синса, унга бир гард юкса — отангнинг юзига лой чаплаган, номини унутган бўласанлар — ота эккан дарахт бу! Оталаринг бу! Чинор билан арча сизларнинг биродарларинг, укаларинг. Уларни ҳам оталаринг эккан! — Қурбон ака ҳар бир сўзини таъкидлаб айтди-да, нари кетди.

Биз — ака-укалар, мезбонлигимизни ҳам унутиб, арчага тикилганча узоқ туриб қолдик.

Саид АНВАР

TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Muassis:

**TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI**



“Toshkent haqiqati” va
“Tashkentskaya pravda”
gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)

Abdusamad NOSIROV

Ummat MIRZAQULOV

G'afurjon MUHAMEDOV

Sayyora FAYZIYEVA

Abduvosit ABDURAZZOQOV

Mahmud TOIR

Azamat MIRZAYEV

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Otabek SULTONBEKOV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Sergey MUTIN

Bosh muharrir o'rinbosari,
nashr uchun mas'ul:
Suhrobjon SADIROV

Mas'ul kotib:
Alloma AZIZOVA

Navbatchi:
To'xtamurod HASANBOYEV

Ekspositor:
Behruz NURBOYEV



Qabulxona:
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:
(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:
(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:
(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@umail.uz

Bosishga topshirish vaqti — 21.00.

Bosishga topshirildi — 22.00.

Nashr ko'rsatkichi — 205.

Buyurtma G-1135.

2 457 nusxada chop etildi.

Hajmi — 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida
2011-yil 12-yanvarda
03-001 raqami bilan
ro'yxatga olingan.

Manzil:
111500, Nurafshon shahri,
Toshkent yo'li ko'chasi, 90.
Toshkent shahridagi
ofisimiz: Bektemir tumani,
Ittifoq ko'chasi, 2.
ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»
tahririyati kompyuter markazida
terildi va Tohir Mahmudxo'jayev
tomonidan sahifalandi.

Haftaning
chorshanba va shanba
kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida bosildi.

Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.